

**“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий
йиғилишининг 2016 йил
24 июндаги 33 - сонли мажлис
баённомасига 9 - сонли илова**

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг Кенгаши тўғрисида”ги
Низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

1. Низомнинг 5-банди учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш”;

2. Низомнинг 5-банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узоқ муддатли стратегия асосида банкнинг қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларни тасдиқлаш. Бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси банк Кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим”;

3. Низомнинг 5-банди ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“корпоратив маслаҳатчини ва корпоратив котибни тайинлаш ва уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш”;

4. Низомнинг 6-бандидаги “уставга” деган сўзи “низомга” деган сўз билан алмаштирилсин.

5. Низомнинг 9-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

Ушбу давр ичида акциядор Кенгашдаги ўз вакилини муддатдан олдин ваколатини тўхтатишга ва унинг ўрнига бошқа вакилини - номзодини белгиланган тартибда сайлаш орқали киритиши мумкин”;

6. Низомнинг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк Кенгаши таркиби ўн аъзодан иборат. Банк кенгаши таркибига иккита мустақил аъзо киритилади”;

7. Низомнинг 23-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“-банкнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акцияларга эгалик қилувчи акциядорлари;”

8.Низомнинг 26-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда банк Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади;

9.Низомнинг 30-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ёки видеоконференц-алоқа режимида банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин”.